

Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 9к-1

"28" июль 2022 йил.

Тошкент шаҳри.

«MAXSUS QO'RIQLASH GURUH» кўриқлаш хусусий корхонаси директори Гозибеков А. К. (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан ва Тошкент Ваз. Корхоналари хизм. Об'ектлари билан бажариш номидан А. Ш. Аҳмедов асосида иш юритувчи раҳбар (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан биргаликда «Томонлар» деб юритилади) мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1. «Ижрочи» «MAXSUS QO'RIQLASH GURUH» Кўриқлаш хизмати корхонаси «Буюртмачи»нинг объекти(мулки)ни кўриқлаш хизматини ўз мажбуриятига олади. «Буюртмачи» эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида «Ижрочи»га кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2. Умумий шартлар.**

2.1. «Буюртмачи» объектни кўриқлашга топширади ва «Ижрочи» эса ушбу вазифани қуйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади:

«MAXSUS QO'RIQLASH GURUH» хусусий корхонаси соқчилик хизмати орқали 1 (бир) та 24 соатлик (дам олиш кунисиз, соат 08:00дан эртаси кун 08:00гача) кўриқчи хизмати пости билан Maxsus maxsus tashkil korxonasi (кейинги ўринларда объект деб юритилади) «Ижрочи»га топширади, «Ижрочи» қабул қилади.

2.2. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари қурилмалари) постларнинг (йуналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.3. Объектдаги кириш-чиқиш ички объект режими «Буюртмачи» томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йуриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.4. Объектнинг техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади. Техник кўриқлаш воситалари хизмат кўрсатиш жараёнида «Ижрочи»нинг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектнинг ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.5. Объектнинг кўриқлашда «Буюртмачи» билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

2.6. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб объектда 90 иш куни ичида соқчилик кўриқлаш хизмати йўлга қўйилади.

2.7. «Буюртмачи» кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда «Ижрочи» қўйилмайди, қўйилган «Ижрочи» эса чақириб олинади.

**3. Шартнома суммаси ва тўловлар(ҳисоб-китоб)ни амалга ошириш тартиби.**

3.1. Ушбу шартнома суммаси жами 539 000 000 Беш юз ўттиз тўққуз миллион ташкил қилади.

3.2. Мазкур шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида Кўриқлаш хизмати ҳисоб-варақасига асосан «Буюртмачи» томонидан ижрочининг хизматлари учун ҳар — ойлик муддат — сўм ҳисобида тўлов амалга оширилади.

б) кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўлов миқдори томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ — фоиз миқдорида белгиланган.

3.3. «Ижрочи» хизматлари учун тўловларга ўзгартириш киритиши қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

3.4. «Буюртмачи» мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кейинги ойнинг биринчи 10(ўн) кунига қадар «Ижрочи» томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурага асосан ойлик тўловини 100% (фоиз) миқдорида амалга оширади. «Буюртмачи» бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловининг 100% (фоиз) миқдорида тўловни кейинги ойнинг биринчи 10(ўн) кунлиги ичида амалга оширади.

3.5. «Буюртмачи» ойлик тўловини ўз вақтида тўламаса «Ижрочи» унга акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир. Мазкур шартнома бекор қилинган ҳолларда \_\_\_\_\_ муддат ичида «Ижрочи» «Буюртмачи» билан тўланган тўловлар бўйича тўлиқ қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

##### 4.1. «Буюртмачи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Ижрочи»дан белгиланган Кўриқлаш тартибига риоя этишни талаб қилиш:

Хизмат кўрсатиш жараёнида «Ижрочи»нинг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини «Ижрочи»дан талаб қилиш:

«Ижрочи»нинг хизматини ташкил қилиши ва амалга оширишни Кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, анжомлари(экипировка) тўқмоқ, фонар мавжудлигини назорат қилиш;

«Ижрочи» томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича «Ижрочи»нинг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш.

«Ижрочи»нинг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда «Ижрочи»дан уларни бартараф этишни талаб қилиш. «Ижрочи» томонидан мазкур шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

##### 4.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

Мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 202 2 йил « 31 » 12 даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектнинг алоҳида хоналарини техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект параметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқа(зарур асбоб-анжомлар ва ускуна)лар билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш, қиёслов(метрологик кўрик)дан ўтказилишини таъминлаш. Ҳар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўсиғидан 5 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш. «Ижрочи» билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, «Ижрочи»ни бу ҳақида хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш. Белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш. Бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари объектларини қайта жиҳозлаш иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида «Ижрочи»ни бундай ишларнинг бошланишидан камида 15 кун олдин огоҳлантириш. Объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳақида «Ижрочи»ни огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик, белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиқлар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиқлари ёпилганлиги ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатларини текшириш, кўриқланаётган биноларда электр жиҳозларнинг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик. Кўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда «Ижрочи» ва «Буюртмачи» вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш Махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

Кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектда бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан «Ижрочи»ни хабардор қилиш ва объектга «Ижрочи» вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошқор қилмаслик;

«Ижрочи» вакилларининг объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид қисми билан таништириш.

Ҳар бир ой, чорак якунилари бўйича томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширилиши бўйича солиштирма далолатнома(акт сверка)лар тузилишини ҳамда «Ижрочи» томонидан кўрсатилган хизматлари учун хизмат ҳаққини ўз вақтида тўланишини таъминлаш.

#### **4.3. «Ижрочи»нинг ҳуқуқлари:**

«Буюртмачи»дан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилиниши талаб қилиш;

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича «Буюртмачи»га тавсиялар бериш.

#### **4.4. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:**

Объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш:

кўриқланаётган ҳудуд(объект)даги лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда «Ижрочи» ва «Буюртмачи» вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилиши назорат қилиш;

Пропуск(руҳсатнома) режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш руҳсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан Кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки «Буюртмачи»га хабар бериш;

ёнғиндан Кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун «Буюртмачи» вакилини чақиртириш текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан «Буюртмачининг» вакилини чақиртириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

«Ижрочи»нинг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси) қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва Кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида «Буюртмачи»ни хабардор қилиш;

«Буюртмачи» билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланиши жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш.

«Буюртмачи» томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлар ҳамда «Ижрочи»ни бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

«Ижрочи» томонидан мазкур шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши ҳолатлари бўйича «Ижрочи» ва «Буюртмачи»нинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини «Ижрочи»нинг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва «Буюртмачи»га зудлик билан хабар бериш ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойининг дахлсизлигини таъминлаш.

Кўрсатилган хизматлар миқдорлари тўғрисида ҳар бир ой якуни бўйича ойлик тўловларни амалга ошириш учун «Буюртмачи»га ҳисобварақ-фактуралар тақдим этиш.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

**5.1.** Мазкур Шартномада кўрсатилган сумманинг «Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун «Буюртмачи» «Ижрочи»га ўтказиб берилмаган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

**5.2.** «Ижрочи»нинг ходими постда ва патрул йуналишларида бўлмаганида «Ижрочи» «Буюртмачи»га ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

**5.3.** Пеняни тўлаш «Буюртмачи» ва «Ижрочи»ни ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

**5.4.** «Ижрочи» мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятларининг лозим даражада бажармаганлиги натижасида «Буюртмачи»га етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. «Ижрочи»нинг айби билан зарар етказилганлиги ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

**5.5.** «Ижрочи»нинг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

**5.6.** Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

«Ижрочи» шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва суднинг қонуний қучга кирган қарори билан тасдиқланса;

Қабул қилиш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда.

«Буюртмачи»нинг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

Объектнинг ички бинолари, омборлари ва бошқа сақлаш жойларида сақланаётган(ёки ҳаракатдаги) товар-моддий бойликларининг бутлиги ҳамда иш жараёнидаги ҳисоб-китоблари учун «Бююртмачи»нинг маъсул моддий жавобгар шахслари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Моддий жавобгар шахсларнинг жавобгарлигидаги объектнинг ички бинолари, омборлари ва бошқа сақлаш жойларида сақланаётган(ҳаракатдаги) товар моддий бойликлари учун «Ижрочи» жавобгар ҳисобланмайди.

**5.7.** Ушбу шартномани тузиш ва уни бажариш жараёнида томонлар коррупция(таъмагирлик) ҳолатларига йўл қўйиши мумкин эмас. Агар бундай ҳолатларга йўл қўйилса, қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйган томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **6. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақти(жараёни)да тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда томонларнинг ваколатли шахслари иштирокида музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Агар тарафлар музокаралар йўли билан келишувга эриша олмасалар юзага келган низоли ҳолатлар жавобгар жойлашган манзилдаги иктисодий ишлар бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

## **7. Форс-мажор**

Томонлар ушбу шартнома буйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулудда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор)оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод қилинади.

Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида 3(уч) кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларида сув тошқинлари, ер қимирлаш(зилзила)лари ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларнинг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## **8. Якуний қоидалар**

**8.1.** Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

**8.2.** Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳам «Бююртмачи» ва «Ижрочи»нинг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавобини олгандан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиш мумкин.

**8.3.** Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

Хўжалик юритувчи субъектлар бўйича томонлар тарафидан имзоланган кундан томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар:

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабр куни охиригача.

«Бююртмачи» хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда «Бююртмачи» мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида «Ижрочи»га шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур

шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган деб ҳисобланади.

8.4. Агар техник кўриқлаш воситалари «Буюртмачи»нинг айби билан ишдан чиққан капитал ёки жорий таъмирлаш талаб қилса, бироқ, «Буюртмачи» буни рад этса, «Ижрочи» «Буюртмачи»га етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

8.5. «Буюртмачи» кетма-кет уч марта мазкур шартномада кўрсатилган ойлик тўловни амалга оширмаган ҳолатида «Ижрочи» «Буюртмачи» га ўн кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

8.6. «Ижрочи» кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриқлаш тартибини бузса, «Буюртмачи» мазкур шартномани «Ижрочи»ни ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8.7. «Буюртмачи» алоҳида объектларни кўриқлашни рад қилиш ёки мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида «Ижрочи»га икки ой олдин ёзма равишда маълум қилади.

8.8. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8.9. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб томонлар мазкур шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

«MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI»

хусусий корхонаси

Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор

тумани 10-мавзе 29-уй 41-хонадон.

Ҳисоб рақами: 20208000705464577001

Ўзбекистон Республикаси Миллий

Банки Саёҳат филиали. МФО: 00905,

ОКЕД: 80200. СТИР( ИНН:309073164)

Тошкент вилояти Хоқимлиги ҳузуридаги

Ободонлаштириш Бош бошқармаси

Нурафшон шаҳар Оппок МФЙ

Молия вазирлиги Ғазначилиги

23402000300100001010 201122919

100021860274017065200110003 306985305

Тошкент ш Марказий банк ББХКММ

МФО 00014

Директор:



Г. ГОЗИБЕКОВ

Рахбар



А.Ш. АДЕНОВ

Ҳуқуқшунос хулосаси

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган.

Шартнома лойиҳасининг шартлари, хусусан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш масалалари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Ҳуқуқшунос

2022 йил «28» июль \_\_\_\_\_

Тўловнинг давлат  
ме филиаллари (ами)

с. ир. Р. - сув

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

Ўзбекистон Республикаси  
«MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI»  
хусусий корхонаси директори  
**А. К. Гозибеков**



**«РОЗИМАН»**

Тошкент вилояти Хокимлиги  
хузуридаги Ободонлаштириш  
Бош бошқармаси бошлиғи  
**А. Ш. Аденов**



Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани “Нурли Замин” ва “Қўрсой” худудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини қўриқлашда хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикаси «MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI» хусусий корхонаси ходимларини моддий таъминлаш тўғрисида 2022 йил 28-июндан тузилган, ходим сони 13 киши бўлган

- 1. Форма
- 2. РП-73
- 3. Фонар
- 4. Рация

**ҲИСОБ – ВАРАҚАСИ**

Қўриқлаш ойлари	Пост сони	Ходим сони	Қўриқлаш вақти	жами
Июнь	10	13	24	296 500 000
Июль	10	13	24	296 500 000
<b>Жами:</b>				<b>539 000 000</b>

**ЖАМИ: 539 000 000**

Беш юз ўттиз тўққиз миллион сўм, 00 тийин



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI" Xususiy korxonona**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI" XK**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.11.2021

1066961

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

309073164

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Xususiy korxonona

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, 10-Mavze, 29-Uy, 41-Xonadon,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





I



## **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI**

2022 - yil 28 - may

198-10-0-F/22

Toshkent viloyati hokimligi

### **Toshkent viloyati Obodonlashtirish bosh boshqarmasi tomonidan karantin majmuasidagi tovar-moddiy boyliklari butligini saqlash maqsadida qo‘riqlash ishlarini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasining Budget kodeksi va “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi Qonunning 6, 25-moddalariga asosan, Viloyat hokimining 2022-yil 6-apreldagi Yuqorichirchiq tumani, Nurli zamin va Qo‘rsoy hududlarida barpo etilgan aholini vaqtinchalik karantinda saqlash majmuasini mol-mulk va yer maydonlari bilan qabul qilib olish to‘g‘risidagi 230-10-0-Q/22-sonli qaroriga muvofiq viloyat Obodonlashtirish bosh boshqarmasining 2022-yil 29-apreldagi 1-01/440-sonli xatini hamda Xalq deputatlari Toshkent viloyati Kengashining 2022-yil 16-maydagi VI-52-81-10-0-K/22-sonli qarorini inobatga olib:

1. Viloyat mahalliy budjetining 2022-yil I chorak yakuni bilan shakllangan daromadlar rejasining orttirib bajarilgan qismi hisobidan Toshkent viloyati hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish bosh boshqarmasi tomonidan karantin majmuasidagi tovar-moddiy boyliklari butligini saqlash maqsadida “Maxsus qo‘riqlash guruhi” xususiy korxonasi tomonidan tashkil etiladigan qo‘riqlash xizmatini amalga oshirish bilan bog‘liq xarajatlar uchun viloyat Obodonlashtirish bosh boshqarmasiga 540 000,0 ming (besh yuz qirq million) so‘m mablag‘ ajratilsin.

2. Viloyat hokimligi moliya bosh boshqarmasi (O.Xalikulov) mablag‘ ajratish bo‘yicha “Davlat moliyasini boshqarish axborot tizimi”da tegishli o‘zgartirishlar kiritilishini ta‘minlasin.

3. Viloyat g‘aznachilik boshqarmasi (S.Sodiqov) ajratilgan mablag‘ bo‘yicha to‘lovlarni o‘z vaqtida amalga oshirilishini ta‘minlasin.

4. Viloyat hokimligi hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish bosh boshqarmasi (A.Adenov) ajratilgan mablag‘ni belgilangan tartibda maqsadli sarflanishini

ta'minlasin.

5. Viloyat davlat moliyaviy nazorati boshqarmasi (S.Xudoyberdiyev) ajratilgan mablag'dan maqsadli foydalanilishi ustidan nazorat o'rnatsin.

6. Mazkur farmoyishning ijrosini nazorat qilish viloyat hokimining birinchi o'rinbosari M.Fayziev zimmasiga yuklansin

Toshkent viloyati hokimi v.b.



Z.Mirzayev

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 103792 на приобретение Услуги оказание охранных услуг на договорной основе юридическим лицам**

Способ проведения электронный

Дата 23.06.2022

Время рассмотрения 23.06.2022 13:48

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV O'TKIRJON RAVSHAN O'G'LI	Хужалик ишлари мудири	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	JURABAYEV AKMAL AXADJANOVICH	Бўлим бошлиғи	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	Абдусаматов Абдувахоб Абдулазиз ўғли	Етакчи мутахассис	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	FARZIDINOV MURODJON RISKIDINOVICH	Юристконсульт	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	ATAMATOV MUXRIDIN RUSTAMALI O'G'LI	Бўлим бошлиғи	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
<b>Председатель комиссии</b>	EGAMQULOV ABROR TURSUNALIYEVICH	Бухгалтер	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.06.2022 года № лота 103792.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга оказание охранных услуг на договорной основе юридическим лицам</b>
Подробное описание	Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" худудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	540 000 000.00
Стартовая сумма	540 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" худудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини амалга ошириш

Тип: Текстовое значение

Описание: Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини 24/7 шаклида амалга ошириш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "BIRJASERVISTAMINOT"	100	TEXNIK TALABLAR TEXNIK XUJJATLAR	95	Экспертная		
MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI XK	100	Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини 24/7 шаклида амалга ошириш	100	Экспертная		

Критерий №2 Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини амалга ошириш

Тип: Текстовое значение

Описание: Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини 24/7 шаклида амалга ошириш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "BIRJASERVISTAMINOT"	100	документ	95	Экспертная		
MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI XK	100	Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини 24/7 шаклида амалга ошириш	100	Экспертная		

Критерий №3 Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини амалга ошириш

Тип: Текстовое значение

Описание: Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизмати 24/7 шаклида амалга ошириш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО"БИРЖАСЕРВИСТАМИНОТ"	100	документ	95	Экспертная		
MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI XK	100	Тошкент вилояти Юкоричирчик тумани "Нурли замин" ва "Курсой" хуудларида махсус ташкил этилган карантин зонасини куриклаш хизматини 24/7 шаклида амалга ошириш	100	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО"БИРЖАСЕРВИСТАМИНОТ"	540 000 000.00	540 000 000.00	23.06.2022 09:58:48	99.81
MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI XK	540 000 000.00	539 000 000.00	23.06.2022 10:12:15	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО"БИРЖАСЕРВИСТАМИНОТ"	Прошел	99.81481	99.81481
MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI XK	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 103792 от 23.06.2022 года на приобретение Услуга оказание охранных услуг на договорной основе юридическим лицам определила победителем:

MAXSUS QO'RIQLASH GURUHI XK  
309073164

и резервный исполнитель: ООО"БИРЖАСЕРВИСТАМИНОТ" (204675426)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	<b>FARZIDINOV MURODJON RISKIDINOVICH</b>	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	<b>ERGASHEV O'TKIRJON RAVSHAN O'G'LI</b>	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	<b>EGAMQULOV ABROR TURSUNALIYEVICH</b>	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	<b>ATAMATOV MUXRIDIN RUSTAMALI O'G'LI</b>	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	<b>Абдусаматов Абдувахоб Абдулазиз ўгли</b>	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**“Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
Ободонлаштириш бош Бошқармаси  
бошлиғи**



**А.Аленов**

«    »      2022 йил

**Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани “Нурли замин” ва “Қўрсой” худудларида махсус ташкил этилган аҳолини вақтинчалик сақлаш мажмуасини кўриқлаш хизмати бўйича комиссия йиғилиш**

**БАЁННОМАСИ**

**«28» июнь 2022 й.**

**Нурафшон шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси белгилаш бўйича танлов комиссиялари ишини ташкил этиш мақсадида, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бош бошқармасининг 2022 йил 02 майдаги йиғилиш баёни билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби қуйидагича:

<b>Комиссия раиси:</b>	<b>А.Эгамқулов</b>	- Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошқармаси бош ҳисобчи;
<b>Комиссия аъзолари:</b>	<b>А.Абдусаматов</b>	- Етакчи мутахассис;
	<b>М.Атаматов</b>	- Ходимлар бўлими бошлиғи;
	<b>Ў.Эргашев</b>	- Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошқармаси хўжалик мудири;
	<b>М.Фарзиддинов</b>	- Юристконсульт;
<b>Комиссия котиби:</b>	<b>А.Жўрабоев</b>	- Бўлим бошлиғи;

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ғолиб ташкилот билан шартнома имзолаш.

**Кун тартиби масаласи юзасидан комиссия раиси А.Эгамқулов сўзга чиқиб, Тошкент вилояти ҳокимининг 2022-йил 28-майдаги № 198-10-0-F/22-сонли фармойишига асосан Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани “Нурли замин” ва “Қўрсой” худудларида махсус ташкил этилган аҳолини вақтинчалик сақлаш мажмуасини кўриқлаш хизмати бўйича савдолар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни талаблари асосида электрон тарзда ўтказилганлигини маълум қилди.**

Комиссия раиси А.Эгамқулов комиссиясининг ишини очиқ деб эълон қилиш, ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Комиссия котиби қатнашчиларга савдолар (ЛОТ-103792) бўйича 23.06.2022 йил соат 13:48 да комиссия баённомаси шакллантирилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 62-моддаси 2-хатбошига мувофиқ ғолибни белгилаш тўғрисидаги баённома давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилганлигини маълум қилди.

Икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлигини, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги таъкидланди.

Комиссия аъзолари фикрлари тингланиб бир овоздан

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани “Нурли замин” ва “Қўрсой” худудларида махсус ташкил этилган аҳолини вақтинчалик сақлаш мажмуасини қўриқлаш хизмати бўйича 23.06.2022 йилдаги баённомага асосан “MAXSUS QO'RIQLASH GURUHИ” ХК ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бош бошқармаси ўртасида шартнома имзолансин.

Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб топилиб, комиссия аъзолари

А.Эгамқулов




А.Абдусаматов



М.Атаматов



М.Фарзиддинов




Ў.Эргашев



Котиб

А.Жўрабоев



Исп.: Абдулмимин Ф.